

Мурод ХАЛИЛОВ,
Ўз мухбиримиз

Турсун МАХМАДАЛИЕВ,
«Азатлик» радиоси

Бир сурат тарихи

ТУТАШ ТАҚДИРЛАР

— 1951-52 йиллар эди чамаси. Отам тумандаги йирик бир ҳўжаликни бошқарарди, — дея ҳикоя қилади Каттақўрғон шаҳар тиш даволаш поликлиникаси бош ҳакими Омон Нурмухамедов. — Илгари пойтахтдан келган машҳур санъаткорлар тўғридан-тўғри бирорта ҳўжаликка бориб, шу ернинг ўзида ўз санъатларини намойиш этишарди. Уша пайтда эл оғзига тушган Ҳалима Носирова бизнинг колхозга концерт бергани келди. Ҳаммаёқ одам, клубга томошабин сиймайди.



Ушанда нима бўлибти деген. Ҳалима опанинг доираси тўсатдан тоби қочиб, саҳнага чиқолмайдиган бўлиб қолди. Яқин атрофда доира чаладиган одам йўқ. Хозирги пайтда бўлганда-ку, ҳар икки одамнинг биттаси доирадаш. 14 ёшли акам Тельман шундай қийин вазиятда Ҳалима опанинг жонига оро кирган. У бир неча кун гастроль ту-гагунча буюк санъаткорнинг қаватида саҳнага чиққан. Шу-шу бўлди-ю, Ҳалима опа Тельман акамни санъат майдонига етаклаб кетди. Орадан 2 йил ўтган, опа хонадонимизга ташриф буюриб, юртида меҳрибон ота-миздан ахтариб қолган эди. Ҳалима опанинг оила-миз аъзоларига меҳрлири тушиб қолган эканми, 8 нафар фарзанднинг ҳаммасини ўз бағрига олибди. Навбати билан ҳар бири-мизни ўқишга киритди. Уйдан жой берди. Туя маъракаларимизга бош-қош бўлди. Биз ҳам у кишиларнинг барча тадбирларида иштирок этганимиз. Хозир ҳам шундай. Тельман акамнинг умри қисқа экан, дунёдан эрта кетди. Аммо у кишининг охиригача Ҳалима опа билан саҳнада бирга бўлди. Жуда кўп мамлакатларда гастроль сафарларида катнашди. Дунё кезде. Сингилларим Зулхумор — ўқитувчи, Гулчехра — фармацевт бўлиб етишди. Исматжон хозир шаҳар мусика мактабиди директор. Буларнинг қамалида ҳур-матли Комил ака билан Ҳалима опаларнинг хизматлари бекиб. Баъзилар ўз қариндошига бунчалик яқинлик қилишмайди. Хозирги уч қаватли поликлиниканинг қурилишида ҳам Комил аканинг катта хизмати бор. Қис-қаси, оиламизнинг ҳар бир аъзоси ўзларига Комил ака ва Ҳалима опаларни маънавий ота-она деб билишади. Утган йили Тошкентдаги «Турон» сийхатгоҳида бироз даволаниб қайтдим. Энди-Хикояни журналист Уткир САИДОВ ёзиб олди.

Альпинист чуқур дарага тушиб кетди. Уртқолари ор-тидан қичқирдишди:
— Вая, тирикмисан?
— Тирикман!
— Қўларинг бутунми?
— Бутун!
— Оёқларинг бутунми?
— Бутун!
— Унда кўтарилмайсан-ми?
— Иложим йўқ, ҳалиям кат бугун тоби қочиб, ўзи-нинг ўрнига неварасини юборибди. . . .
Гўшт дўкониди:
— Гўшт неча пул?
— 950 сўм.
— Э-э, қалла борми?
— Йўқ, ака, сон, қовурға, ичка, талоқ гўшт бор.
— Э-э, қанақа одамсиз,

Қаҳ-қаҳа

учиб кетяпман!..
Болалар богчасида икки болакай суҳбатла-шяпти.
— Ёшинг нечада? — сўради бири.
— Уртда. Сеникичи?
— Билмайман!
— Ичасанми? Чекасан-ми? Қизлар билан юра-санми?
— Йўқ.
— Унда уч ёш экансан.
Фирма директорининг ишхонасига қўтилмаганда хотини келиб қолибди ва унинг ёнидаги ёшгина, келишган котибани кўриб сўрабди:
— Ахир сен котибам қари хотин деган эдинг-ку?
— Ха, ха, — дебди дирек-тор хўжолат чекиб. — Фа-виждон борми, деяпман, виждон?
— Э-э, ака, молда виж-дон нима қилади.
— Бир йигит чироили қиз-ни кўриб ундан қўзини ўзо-май қолди. Кейин сўради:
— Ҳа, кўз, сиз бир қўришда севиб қолиш мум-кинлигига ишонасизми?
— Йўқ, ишонмайман.
— Келинг, бўлмаса, иккин-чи марта қўришайлик...
Милиционер машинани тўхтатиб, деди:
— Нима учун катта тез-ликда кетаёпсиз?
— Биласизми, термоз бузилиб қолди.
Шунинг учун авария-павария бўлмасдан олдин уйимга етиб олай деб шо-шяпман...

Биласизми?

ДУНЁГА МАШҲУР ҚОҒОЗ

Қадимий ва гўзал Самарқанд азал-азалдан ҳунармандчилик, сав-до, фан ва маданият маркази бўлиб келган. Самарқанднинг турли навли қоғози минг йилдан зиёроқ вақт мобайнида Урта Осиёдаги эмас, Яқин ва Урта Шарқда, шунингдек, Европада маълум ва маш-ҳур бўлган.
Қоғоз Самарқанднинг четга чиқариладиган муҳим маҳсулотлари-дан бири эди.
Ушбу шаҳар VIII аср ва IX асрнинг биринчи ярмида Яқин ва Урта Шарқда қоғоз ишлаб чиқарувчи бирдан-бир йирик марказ ҳисоб-ланган.
1933 йилда Тожикистондаги Муг тоғидан VIII аср қоғозиға ёзил-ган ҳужжатларнинг топилиши шундан далилат берди.
Самарқанд қоғози ун навли бўлган. Биринчи нави тожиқча, «қоғози абрешими» (шайи қоғоз) ёки «қоғози иноқи» (хон қоғози) деб юри-тилган. У нихоятда нафис, пишқ ва ойнадек сийлик, туси сарғиш бўлиб, шойидан тайёрланган.
Самарқанд қоғозини ёрққа тутиб қаралса, ичидан оқ халқаси-мон бўлиб кўринган. Бу — XII асрнинг бошларида яшаган самарқан-дик машҳур қоғоз устаси Мир Иброҳимнинг муҳри бўлган.
Ана шундай муҳри қоғозлар яқин-яқингача «Мир Иброҳимий» деб аталган.



Зардўзлар сулоласи.

Хошим Ҳайдарович баъзан фикри қалғиб, қўл остида ун йилдан бери ишлаётган бўлса ҳам ҳузурига кирган ходимларининг исми-шарифи дарҳол тилига келавермасди. Кейинги пайтларда хотираси кескин пасая бошлади. Энди биров билан сузлашайтиб но-хос нима тўрисида гаплашиб турганини эси-дан чиқаради. Баъзан телефон рақамини те-раведади-ю, бирдан кимга, нима мақсадда қўнғироқ қилаётгани хаёлидан кўтарилади. Телефон гўшаини олган кишининг унга жа-вобан «Алло, алло!» деганини эшитиш асно-сида зўр бериб ким билан гаплашмоқчи бўлганини эслашга уринади. Эслолмаса — гўшакии секингина жойига қўяди. Хар кун о-датича ёрдамчиси кабинетига киритиб қўйган марказий газеталарга қўз югиртира-ди ва ўқиб туриб бирдан нимани ўқитгани хотирасидан кўтарилиб кетади.
Қизиқ, аввал танган одамни атай тани-маганга оларди. Энди баъзан танишларини ҳам осонликча эслолмайди.
... Хошим Ҳайдарович Сочидаги санато-рияда, денгиз бўйида сайр қилиб юрарди. Қўзиди қара қўзоянак. Сирдан ахойиб ман-

— Қаранг-а! Умр қандай тез ўтапти. Мен бориб-келиб юрганда мактабда ўқирди. Ёмон ҳам тинмасак эди. Машинани миҳ билан қириб, ўзимни роса сўккани ёдин-гиздами? «Қўлига китоб олганини кўрмай-ман, кўчадан бери келмайди, шунга одам буладими?» дердингиз.
Ха, чиндан ҳам Замонбекни одам қила-ман деб Хошим Ҳайдаровичнинг нафақат соч-соқоли, балки сўяғиям оқарди. Бу эси-паст, бир синқ нонинг қардан келиши-ни билмайдиган, нуқул европача юриш-ту-риш, қийинишга одатланиб қолган боласи учун дастлаб ўзи икки пулга олмайдиган мактаб директориға катта бошини қичқ қилиб, қана ишини битириб урта маълу-мот тўғрисидаги аттестати баҳоларини «беш» қилдириб олдириди, институт домла-ларига сарғайиб ўқишга киритди. Диплом-ни олганча еган азоби-ю, қилган сарф-ха-ражатларини ўзи билади, жони.
Санаторийда хордиқ қилиб юрганида фирқа мактаби ректори билан ёнма-ён хо-нага тушиб қолди. Бахти чоғди. Ишини худо ўнглади. Ректор билан алоқани қуюқ қилиб,

МЕН ҲАМ ЭДИМ СЕНДЕК...

(Ҳажвия)

зара, сермавж тўлқинларнинг қирғоқдан то-шиб ёйилиб, сувнинг кўтарилиши, зум ўтмай яна орқага қайтиши, бетининг шовиллашига махлиё бўлганга ўхшар, аслида мудооси со-ҳилда қўмиллаётган, хозиргина сувдан қичиб сояболлар остида қалқанга ётган, нарироқ-да эса қоматларини қўз-қўз қилиб тўп ўйна-ётган ярим ялонғоч аёлларни томоша қилиш эди. Унинг бутун вужудини аллақандай ёқим-ли хиссийет қўлгаб, қайфияти ҳам нихоятда зўр эди.
— Ассалому алейкум, Хошим Ҳайдарович! Нохос айтилган шу калом Хошим Ҳайда-ровични ширин хаёлар гирдобидан тортиб олди. Қаршисида пўрим қийинган, бўйи па-канароқ, семиз киши самийий жилмайиб ту-рарди.
— Ва... — Хошим Ҳайдарович «aleyкум» де-дими ёки гапнинг чаласи ичиди қолдими, би-либ бўлмасди. У жилдилашиб, димоғига ёқимсиз хид урилгандан бурини жийриб, нотаниш кишига қўз қирини ташлади, би-лан-билнимаса бош сийлиб қўйди ва ўзига қарата саломлашиш учун узатилган қўлга ис-тар-истамас қўлини қўзди.
— Сиз ҳам шу ерда экансизда?
— Гапни қаранг! Шу ерда бўлмай қаерда бўларди! Қизиқ одам экан-ку».
— Ха, энди. Сека пўтёвка ажратган экан. Хошим Ҳайдарович, бориб дам олиб қелинг, деб қўйишмади.
— Танилибмаб! Сизми, йўқми, деб анча қараб турдим. Янаям семирибсиз-да. Қўли орқага қўйиб, бошингизни осмонга қилиб, пастки лабингизни хийл қўзиб, худди босган қадамингизни санаятандай ўта хотиржамлик билан юришингиздан билдим. Узағарибсиз!
Орага жийлик қўди. Хошим Ҳайдарович ўзига қарата бу қадар очик, иззат-нафсига тегадиган тарзда андишасизлик билан айта-лидган гапдан таъби хиралашди. Бошқа пайт бўлганда-ку, ўзи биларди. Кескин қайириб ташлар, қаттиқ сўйиб юборарди. Лекин бу — санаторий, бегона жой. Қолаверса, денгиз-нинг элг сўлим соҳилда қўрилган, ҳатто но-мини эшитган бундайроқ амалдорлар ҳам ширин ташминиб, бориб дам олишни оруз қиладиган бу санаторийға аксарият номек-латурадаги раҳбарлар келишади. Шубҳасиз, қаршисидида киши ҳам мартабали, ўзига ўқшаб, эҳтимом янада юқорироқ масъул ла-везида ишлар. Мусофир юрда танишини қўриб меҳри ийтади. Бир оғиз совуқ гап билан кўнглини оғритиб қўйгандан қўра ав-вал қийинлиги билгани, керак бўлса алоқа-ни яқинлаш олгани, ақинлашгани маъқул...
Хошим Ҳайдарович шундай фикрда нота-ниш кишига энди эътибор билан назар таш-лади.
— Замонбек ҳам катта йигит бўлиб қол-гандир? Ҳайдар бобом нафақага чиққанлар, деб эшитдим.
Хошим Ҳайдарович англадики, ўғлининг исмини биладиган, падари бузрукворини от тутиб сўраган бу одам ҳарқалай таниш бўли-ши керак.
— Замонбекни комсомолға қўйгандик, — деди Хошим Ҳайдарович ҳар бир сўзга ало-ҳида ургу бериб. — Ишни пастдан бошлаб, ҳамма этапни ўтсин. Бу йил фирқа мактаби-ға кирди. Энди ёшларни ўстирайлик. Орти-миздан қоладиган шулар.

оғайни бўлиб олди. Бир кун Хошим Ҳай-даровични кўргани келган тўрт-бешта ла-ганбардорлари ташкил этган қуюқ зиёфат-да ўзаро суҳбат қилиб, юзта-юзта отишиб ўтирганларида ректорнинг ўзи оғзи билан:
— Замонбекни бизни тарбияга берасиз. Олий партия мактабини битирса ёмон бўлмайди, — деб қолди.
Қаранг-а! Аслида ректор билан таниш-гандаёқ, Хошим Ҳайдаровичнинг кўнглида шу ният туғилган, унга айрича ҳурмат қўрса-тиши, ақинлашувининг туб боиси ҳам шун-да ва мудоосини қандай ошқор этиш пай-ида эди. Масала осонгина, дастурхон усти-да, бир шиша қоньяк ичилаётиб ҳал бўлди. Икковлари қўл ташлашиб, ўрилла-ридан туриб пийлашади ичимликни охири-гача сийқориб, газзагига худди узок сафар-дан кейин учрашган қадридонлардек меҳр билан ўпишиб, қелишувни тасдиқлаб ол-дилар. Қолганлар хурсандликларидан ча-пақ чалишди. Кейинги қадахлар Замонбек-нинг фирқа мактабига кириши, диплом оли-ши, келажакда отасидан ҳам юқорилаб, ўзиб кетиши учун кўтарилиди.
Замонали эмас, газзаби қўзиб, жони нақ халқумига қалганда «Самонали, бошимга битган Балора!» деб ҳақоратлайдиган яққа-ю ёлғиз, арзанда зуррийдини биладиган бу одам ҳам ким билсин, ректорға ўқшаб бир-ор қор-хилига яраса, нафи тегса. Уртала-рида кечган қандайдир воқеаларни эсла-тапти. Хошим Ҳайдарович қўёғаса, жил-майиб туриш, қўзига жуда иссиқ қўри-наётган бу одам билан гаплашиш қўсно-да ўйга қўйди: уни қачон, қаерда учратган-а! Нима иш қиларди?! Фамилиясиям тили-нинг учиди. Уйингизга борганман, деяпти. Қани энди қимлиги ёдига тушса! Яхши-си, ўзидан сўраса-чи?! Йўқ! Шу қадар қун ту-тиб гапириб турганида қандай сўрайди?! Қўнғилига оғир олиши, хийжолат чекиши мум-кин. Борди-ю каттароқ амалдор бўлса ўзи ҳақида ёмон таъсирот қолдиради. Хошим Ҳайдарович хамсуҳбатини гапга олиб, шу тахлит чамаси ярим соатча фикрлаб, бир-дан хотирлади: иккаласи бош бошқармада узок вақт ёнма-ён хоналарда бирга ишлаш-ган. Хозир у вазири ўринбосари эди.
Бундай вазиятларга тушган Хошим Ҳай-дарович баъзан хозиргида суҳбатдошининг қийинлиги эсласа, баъзан ҳарчанд ўрин-масин хотираси панд беради. Қўнғилида «қариялларми», деган ҳадиқ қўланча таш-лади. Наҳотики, мийеси шу тариха секин-аста ишдан чиқса. «Вазифагини эппло-майлсиз, кексайдингиз, энди ўрингизни ёшларга бўшатиб беринг», деб тағиддан кур-сини олиб қўйишсал... Кимсан, савлатидан от ҳуркиб, ҳузурига киришга унча-бунча раҳбарнинг юраги дов бермайдиган, битта имзоси учун қабулхонасида оёш-ола куттира-диган, амрида ҳамиша беш-олти ҳушо-мадўғи қўл қовуштириб, икки буюклиб ту-радиган Хошим Ҳайдаровичдай бошқарма бошлиғи хотира панд бериб четга қичиб қолса...
Бир кун бош бошқарма бошлигининг олдида қаттиқ ўсал бўлди.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ.
(Давоми бор)

ТАНҲО ҚОЛДИРМА

Юрагимнинг наволарини шоҳ байтида исминг бор,
Хотиримнинг энг тўрини банд айлаган жисминг бор.
Истагимни етти қўкка етакловчи изминг бор —
Оқ бағримга паға-паға булутларни солдирма.

Мен куй бўлсам авж пардада жаранлаган торим бўл,
Бахтинг бўлай, нондек азиз номусим бўл, орим бўл.
Бир кунгина кўринмасам изларимга зорим бўл —
Мен ой бўлдим, осмон бўлсанг мени танҳо қолдирма,
Оқ бағримга паға-паға булутларни солдирма.

Узун тунлар ёнингиди шамчироқман билсанг сен,
Зилолман мен, саҳроларда гар бемаҳал сўлсанг сен.
Ёзилмаган дostonман мен, агар шоир бўлсанг, сен —
Мен ой бўлдим, осмон бўлсанг мени танҳо қолдирма,
Оқ бағримга паға-паға булутларни солдирма.

Кута-кута сени гоҳо дунё менга тор бўлсин,
Қора сочим соғинчлардан йўллар қараб қор бўлсин.
Мени ёшлик тарк этса ҳам муҳаббатинг бор бўлсин —
Мен ой бўлдим, осмон бўлсанг мени танҳо қолдирма,
Оқ бағримга паға-паға булутларни солдирма.

Назира АС-САЛОМ.



Авлодлар.
Садриддин САЛИМОВ олган сурат-лавҳа.

АЁЛИ СОҒЛОМ ЭЛ БАДАВЛАТ БЎЛУР

Аёл — она, аёл — оила бекаси, шу билан бирга жамиятнинг ривожланишида ва турмуш тарзининг ўзгари-шида бевосита таъсир кўрсатувчи кўчдир. Республика-мизнинг Давлат мустақилигига эришилган дастлабки кунларданок давлатимиз раҳбарияти томонидан хотин-

қизлар аҳволини яхшилаш, амалга оширилаётган ис-лохотларга уларни фаолроқ жалб этишга улкан эъти-бор бериб келинмоқда. 1999 йилнинг «Аёллар йили», 2001 йилнинг «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилиниши ҳам бунинг ёрқин тимсолидир.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг оиладаги, дав-лат ва жамият қурилишидаги мавқеини қучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш, тизимини такомил-лаштиришга доир давлат дастури тадбирлари ишлаб чиқилди. Уни амалга оши-риш аниқ ва пухта ҳуқуқий асосда олиб боришмоқда. 1999 йил март ойида Ўзе-бекистон Президентининг «Хо-тин-қизларнинг иқтисодий муҳофазасини қучайтириш-га оид қўшимча қора-тад-бирлар тўғрисида»ги Фар-мон бунга яққол далил бўлиб олди.
Бизнинг Марказий Осиё-миздан Тўмарис, Нодирабе-гим каби кўпball ватанпар-вар аёллар қишқан. Бугун-ги кунда аждодларимиздан бизгача етиб келган аёллар-га бўлган маънавий меърос-ни янада такомиллаштири-шимиз жоиз.
Марказий Осиё ҳудудида аёлларни ҳурмат қилиш ва эъзозлаш тарихи энг қадим-

ги даврга бориб тақалади. Марказий Осиё маданияти-нинг қадимги манбаларидан бири «Авесто» китобида аёл замин билан инсониятнинг фаолияти амалга ошишининг энг улўғ бешиги ва шарт-шар-оити бўлган ер ва унинг қад-ри билан тенглаштирилган. Шарқда аёл муносилик, нафос-сат ва ваффо тимсолига айлан-ган. Қадимги даврда туркий халқларда эса аёл жамиятда фахрли ўринни эгаллаган. Утовга кириб келган ўғил ав-вал онага, кейин отасига са-лом берган. Яна шуни қўрса-тиб ўтиш керакки, Марказий Осиё давлатларида оилада аёл билан эркекнинг вазифа-си аниқ белгиланиб берилган. Эркак оиланинг боқувчиси бўлган, аёл эса унинг топган-тутганини саранжом-саршта қилиб бола тарбияси билан шуғулланган. Бу ҳусусият халқ-мизда бугунги кунгача сақ-ланиб қолган. Хатто мутафак-кир Хисрав Дехлавий шундай дейди:
«Аёл оқилаю, эр ишибилармон.

Демак кундан кунга обод хонадон».
Аёл — жамият таянчидир. Ҳа, эркеклар билан аёллар-нинг тенгҳуқуқлиги жамиятда қатъий белгиланганлигини аёллар унутмайдилар. Лекин бу билан эркек ва аёлларнинг бир хил вазифаларини тенг уудалаш шарт деган фикр қелиб қиқмаслиги керак. Фирқа Иттифок даврида аёллар билан эркекларнинг тенг ҳуқуқлиги вақз қилиниб, аёл-ларнинг иқтисодий аҳволини тўғри тушунамслик натижаси-да аёлларни иш билан таъ-минлаш масаласида катта ха-толикларга йўл қўйилган. Аёл-лар зиммасига нафақат оғир ишлар, шу билан бирга уй-рўзгор ташвиши, бола тар-бияси ҳам унинг зиммасига юклатилганлигини унутди.
Бизнинг урф-одатларимиз-да қайнона келиннинг овози-ни эшитмаган. Агар келинга бирон нарсга керак бўлса ёки бирор нарсани қал қўлмоқчи бўлса эри орқали ёки қайин

укаси орқали қайнота ва қай-нонасига мурожаат қилган. Яъни, бу шу оилага бўлган жуда катта ҳурматни билди-рган. Қизларимизнинг шундай хаёли бўлиб тарбияланишида оналар катта роль ўйнайди. Халқимиз бекорга айтмаган «Онасини қўриб қизини ол» деб, Яна халқимизда шундай мақол борки, «Қуш уюсида қўрганини қилади» дейдилар. Шундай экан, фарзандлари-мизни тарбиялашда аёллар-нинг роли беқубдор.
Шу билан бирга бу ишга нафақат ота-она, шу билан бирга қўни-қўшилар ҳам бун-га ўз ҳиссасини қўйиши ке-рак. Лекин бугунги кунда шу урф-одатларимизни оёқости қилаётганлар йўқ эмас. Баъзи қизларимиз келин бўлиб туш-ган хонадонда унинг одоб-ахло-қи, қилаётган муомаласи инсонни ҳайратга солади. Бу ҳақда Саъдий Шерозий шун-дай дейди:
«Дил оромни яхши бўлсаю гар хотун, ёмон бўлса, худо ундан сакласин».

Яъни, аёл бахти унинг ширинсуҳабчилиги, хушмуо-ласи, меҳнатсеварлиги, те-жамкорлиги, сабр-тоқатли-гидир. «Эрни яхши қила-диган ҳам хотин, ёмон қила-диган ҳам хотин» деб халқ-имиз беҳиз айтмаган. До-нишмандлардан Г. Лонгфел-ло «Ота-оналар ўз фар-зандларини тарбиялашда меҳр бериб борса улар ула-гайдиган муҳаббат меъаси-ни айдилар», — дейди.
«Мухаммад алайҳи васса-ламдан сўрабдилар: — Эр-какка қўпроқ илм берайлик-ми ёки аёлгами? Шунда улар: — Эркакка илм бер-санг бир кишига илм бер-ган бўласан, агар аёлга илм берсанг бир неча кишига илм берган бўласан, деб айтган эканлар».
Зеро шoir айтганидай:
Аёлға ўқийлик дўстлик қаснади,
Ҳаммамиз ахир шу аёл наслидан.
Ф. ХУДОЙБЕРГАНОВА.



Бош муҳаррир:
Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Т. О. ДАМИНОВ, А. Ф. ГУЛОММАХМУДОВ, А. ЖҲАБОВЕВ, Р. З. АХМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Р. ҲАЙДРОВ, К.РИХСИД (Бош муҳаррир ўринбосари) Д. К. СИРГИЗБОВ (бўлим мудири), Р. АЗИ-МОВ, Т. И. ЭРҒАШЕВ, А. МАМАЖОНОВ, У.Ф. ЖҲАБОВ, Н. НУРМАТОВ, М. КАЛОН-ХОНОВ.

Мулоқот учун телефонлар:
Қабулхона — 133-41-89,
Хатлар ва шикоятлар бўлими — 136-55-64.
Навбатчи — Илхом СИДИКОВ
Саҳифаловчи — Бахтиёр ҚҲОКОВ

Қўлзмалар муаллифларга қайтарилмайди.
«Шарқ» нашриёт — матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Қорхона маълизи: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Восити тиражлари: 30.000. Восити тиражлари 30.000.
МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.